

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУЛМАТОВА САЙЁРА САФАРОВНА

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси (PhD)
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation the abstract Doctor of Philosophy (PhD)
in economics sciences**

Кулматова Сайёра Сафаровна

Қишлоқ хўжалигида машина-трактор паркларидан самарали
фойдаланишни

моделлаштириш..... 3

Кулматова Сайёра Сафаровна

Моделирование эффективного использования машинно-тракторных
парков в сельском хозяйстве..... 29

Kulmatova Sayyora Safarovna

Modeling the effective use of machine-tractor parks in
agriculture..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУЛМАТОВА САЙЁРА САФАРОВНА

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси (PhD)
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Iqt105 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиқ давлат университетидида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ҳамда «Ziyouet» ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хатамов Очиқди Қурбоневич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Салимов Бахтиёр Таджиевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Худоёр Лазиз Ниёзович
иктисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация химояси Тошкент давлат иктисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03.30.01.2021.1.16.03 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «13» 09 соат 16 дақи мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 233-60-01; e-mail: tsue@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иктисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (169 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-28-72; e-mail: tsue@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «30» 08 кун тарқатилди.
(2022 йил «30» 08 дақи 17 - рақамли реестр баённомаси).




F.K. Абаурахмонова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, и.ф.д.,
профессор


Б.Д. Хажиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
иктисодиёт фанлари номзоди,
доцент


N.M. Мазмудов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда озиқ-овқат, хусусан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни қондириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш ва мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишда тармоқнинг замонавий техника воситалари билан таъминланганлик даражаси муҳим роль ўйнайди. Маълумотларга кўра, “жаҳон қишлоқ хўжалиги техникаси бозорининг ҳажми 2027 йилга келиб тахминан 310,61 млрд. АҚШ долларига етиши, унинг 2020 йилдан 2027 йилга қадар муддатдаги ўртача йиллик ўсиш суръати эса 9,4 %ни ташкил этиши кутилмоқда”¹. Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида машина-трактор паркларидан самарали фойдаланиш натижасида меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошиб, бу ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ҳамда маҳсулот бирлиги таннархининг пасайишига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ҳозирда жаҳонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида замонавий техника ва технологиялар салмоғини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, тармоқнинг асосий жараёнларига рақамли технологияларни жорий этиш, машина-трактор паркларининг талабга мувофиқ таркибий тузилмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида техникалардан самарали фойдаланишни моделлаштириш ҳамда иқтисодий-статистик баҳолаш усуллари тақомиллаштириш, иқтисодий-статистик моделларини ишлаб чиқиш ва улар асосида ишлаб чиқаришнинг истиқболдаги ҳажмини прогнозлаш бу борадаги илмий-тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида тармоқнинг ишлаб чиқариш салоҳияти кенгайиб бормоқда. “Бугунги кунда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини, фан ва техниканинг илғор ютуқларини жадал жорий этиш, экологик тоза ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонлар даромадини кўпайтириш борасида тизимли ислохотлар олиб борилмоқда”². Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини сезиларли даражада ўстириш, унинг таркибий тузилмасини янада тақомиллаштириш, тармоқ маҳсулотларининг миллий ва халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш каби вазифалар замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш ҳамда мавжуд машина-трактор паркларидан самарали фойдаланиш заруратини кучайтиради. Мазкур ҳолат ўз навбатида қишлоқ хўжалигида техникадан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигининг

¹ Манба: Agriculture and Farm Machinery Market Size Reach Around US\$ 310.61 bn by 2027. - [https://www.mynewsdesk.com/jo/machinery-globe/pressreleases/agriculture-and-farm-machinery-market-size-reach-around-us\\$-310-dot-61-bn-by-2027-3021641](https://www.mynewsdesk.com/jo/machinery-globe/pressreleases/agriculture-and-farm-machinery-market-size-reach-around-us$-310-dot-61-bn-by-2027-3021641)

² Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига табриги. – www.uza.uz

берилган шароитларида энг кам харажатларда ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш учун машина-трактор паркиннг оптимал таркибини аниқлаш, қишлоқ хўжалик техникаларини харид қилиш стратегияларини танлаш, фойдаланилаётган техникаларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини корреляцион-регрессион таҳлил этиш ва эконометрик моделлаштириш каби масалаларни тадқиқ этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 4 январдаги ПҚ-3459-сон “Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳозланиш даражасини янада ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 10 майдаги ПҚ-3712-сон «Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 4 апрелдаги ПҚ-4268-сон “Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалигида техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш жараёнларини моделлаштириш муаммолари кўплаб маҳаллий ва хорижий олимларнинг ишларида кўриб чиқилган. Жумладан, Шқурба Б.Б., Комзакова Л.Н., Киселёв В.И., Ленёков И.И., Halley R.J., Soffe R.J., Wei Li, Xipan Wei, Ruixiang Zh., Kangquan G., Малахов А.В., Малахова С., Жердев М.Н., Кастиди Ю.К., Борисова Е.В., Голощапов А.Н., Хохрина О.М., Таркивский В.Е., Игошин А.Н., Николаева З.Н., Левченко А.В., Зимин В.К. ва бошқалар³ илмий-услубий тавсифдаги

³ Шқурба Б.Б., Комзакова Л.Н. Расчет машинно-тракторного парка сельскохозяйственных предприятий на электронных вычислительных машинах. Издательство «Наукова думка». 1968.168 с.; Киселёв В.И. АПК: совершенствование хозяйственного механизма. - Агропромиздат. 1985.240-с.; Киселёв В.И. Организация и планирование народнохозяйственного агропромышленного комплекса-М.: Наука, 1979-224-с(16-с.); Ленёков И.И. Экономико-математическое моделирование экономических систем и процессов в сельском хозяйстве. — Мн-Дизайн ПРО, 1997, — 304 с.; Halley R.J. Soffe R.J Primrose McConnell's The Agricultural Notebook.18th Edition.eBook ISBN: 9781483100326. Imprint: Butterworth-Heinemann.Published Date: 1988.Page 704; Wei Li, Xipan Wei, Ruixiang Zhu and Kangquan Guo. Study on Factors Affecting the Agricultural Mechanization Level in China Based on Structural Equation Modeling. Sustainability. Received: 1 November 2018; Accepted: 17 December 2018; Published: 21 December 2018; Малахов А.В., Малахова С.В., Жердев М.Н. Оптимизация и модернизация машинно-тракторного парка сельскохозяйственных предприятий - факторы роста. / Вестник Курской

тадқиқотларни олиб борганлар. Уларнинг илмий тадқиқот ишларида асосан машина-трактор паркидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги техникасини иқтисодий баҳолаш масалалари, қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланишнинг назарий жиҳатлари ва ташкилий шакллари ўрганилган.

Маҳаллий олимлардан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини моделлаштириш ва прогнозлаш масалалари бўйича Ғуломов С.С., Шодиев Т.Ш., Беркинов Б.Б., Маҳмудов Н.М., Ҳатамов О.Қ., Абдуллаев Ё., Зокиров О.З., Мирзаев Қ.Д., Салимов Б.Т., Қудратов Т.Қ. ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган⁴.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини юритиш тизимини моделлаштириш ва прогнозлаш масалалари тадқиқ этилган бўлиб, ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги машина-трактор паркини (МТП) шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари етарлича ўрганилмаган, шунингдек, мазкур масала бўйича чет эл тажрибасидан фойдаланиш йўналишлари тизимлаштирилмаган. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда техника таъминоти, қишлоқ хўжалик корхоналарида МТПдан самарали фойдаланишни эконометрик моделлаштириш ва унинг таркибини

государственной сельскохозяйственной академии 2016; Кастиди Ю.К. Экономическая эффективность формирования и обновления машинно-тракторного парка сельскохозяйственных предприятий: по материалам Краснодарского края. Автореферат дисс. кан. экон. наук, 2012г.; Борисова Е.В. Материально-техническая обеспеченность и эффективность аграрного производства дис. автореферата дисс. кан. экон. наук, 2013 г.; Голощапов А.Н. Планирование оптимального состава машинно-тракторного парка и экономическая эффективность его модернизации (на примере свеклосеющих колхозов воронежской области. автореферат дисс. кан. экон. наук, 1984г.; Хохрина О. Факторы повышения эффективности использования машинно-тракторного парка сельскохозяйственных организаций: на материалах Брянской области Автореферат дисс. кан. экон. наук, 2013г.; Таркивский В.Е. Цифровые методы и средства определения функциональных характеристик сельскохозяйственных тракторов. Автореферат дисс. доктора наук., 2019.; Игошин А.Н., Николаева З. Н. Экономическая эффективность инвестирования в обновление машинно-тракторного парка (на примере спк «им. Буденного» спасского района Нижегородской области) // Журнал Вестник НГИЭИ. 2014.; Левченко А.В. Повышение эффективности использования машинно-тракторного парка сельскохозяйственных организаций. Диссертации и автореферата дисс. кан. экон. наук 2009.; Зимин В.К. Эффективность использования машинно-тракторного парка в сельскохозяйственных организациях: на примере Московской области. Автореферат дисс. кан. экон. наук 2007г.;

⁴ Гулямов С.С. Межотраслевые модели экономики. Монография. – Т.: Наука и технология. 1999.–234 с.; Абдуллаев Ё.А. Макроиктисодий статистика. – Т.: Меҳнат, 1998. – 388 б.; Беркинов Б.Б. Эконометрика. Ўқув кўлланма. – Тошкент, 2015й. Гулямов С.С. Моделирование социально-экономического развития территориально-промышленных комплексов. Т.: Фан, 1980. 194 с.; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис. док. экон. наук. Т., 1988. 380 с.; Маҳмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопко перерабатывающих отраслей: Автореф. дисс. док. эк. наук. Т.: ТГЭУ. 1993. 36 с.; Беркинов Б. Моделирование систем ведения сельского хозяйства. Ташкент: Фан, 1990. 128 с.; Ҳатамов О.Қ. Қишлоқ хўжалик техникаси лизингига инвестициялар жалб этиш жараёнларини моделлаштириш. -Т. “O’zbekiston milliy ensiklopediasi”, 2007-142 б.; Шодиев Т.Ш. и др. Эконометрика. учеб. пособие. – Т.: Шарқ .1999 -240 с.; Беркинов Б.Б. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари. – Т.: ТДИУ, 2007 - 23 б.; Зокиров О., Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т., “ЎАЖБНТ” Маркази, 2003. 262- 265 б.; Мирзаев Қ.Д. “Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари”. и.ф.д. даражасини олиш учун ёзилган дисс.; Самарқанд – 2011, - 200 б; Салимов Б.Т., Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти (ўқув кўлланма). – Т.: ТДИУ, 2004. 22-23 б.; Қудратов Т. “Қишлоқ хўжалиги статистикаси”. Тошкент. 2004 й.

оптималлаштириш масалалари мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос сифатида хизмат қилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети “Иқтисодиёт ва менежмент” кафедрасининг илмий ишлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалигида машина-трактор паркларидан самарали фойдаланишни моделлаштириш бўйича илмий-амалий тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалик машина-трактор паркларидан самарали фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини илмий тадқиқ этиш;

қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг техника таъминоти борасидаги хорижий тажрибаларни таҳлил этиш ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятларини баҳолаш;

қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришида техникалардан самарали фойдаланишни иқтисодий-статистик усуллар ёрдамида баҳолашни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришда техникалардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш услубини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қишлоқ хўжалик техникаларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий-статистик моделларини ишлаб чиқиш ва улар асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг прогноз вариантларини асослаш.

Тадқиқот объекти сифатида Сурхондарё вилоятидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи машина-трактор парклари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети аграр ислохотлар шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш техника таъминоти жараёнларида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий-математик моделлаштириш, Марков занжирлари, иқтисодий таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик, корреляцион ва регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мавжуд машина-трактор парклари янгиланиш коэффициентининг мақбул даражаси ($K_{\text{я}}=0,15$)да техник воситалар бўйича таркибий тузилмасини қишлоқ хўжалиги ишлари эҳтиёжига мувофиқлаштириш орқали қишлоқ хўжалиги техника таъминотини баҳолаш ва машина-трактор паркдан фойдаланишни оптималлаштиришнинг интеграллашган моделлари такомиллаштирилган;

ишлов трактор-машиналарини ер майдонлари бўйича тақсимлашда турли фермер хўжаликларининг жойлашуви жиҳатдан ўзаро яқин бўлган ер майдонларига йўналтириш асосида техника эксплуатация харажатларини ($\text{Ч}_{\text{ЭХК}} \approx 20-30\%$) камайтириш орқали фойдаланиш самарадорлигини оширишда

комплекс механизация ишларидаги солиштирма эксплуатация харажатлари модели ёрдамида асосланган;

қишлоқ хўжалигидаги турли трактор-транспорт ишлари билан боғлиқ харажатларни шартли ёқилғи харажатларига трансформациялаш ҳамда ҳар бир машина-трактор тури бўйича ёқилғи сарфи харажатларини минималлаштириш асосида фермер хўжаликларидаги барча трактор-транспорт ишлари учун ёқилғи сарфи моделлари таклиф этилган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмига техникалар сони ва таркиби ўзгаришининг таъсирини эконометрик баҳолаш моделлари асосида Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг 2025 йилга қадар мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқаришни ривожланишини қўллаб-қувватлаш тенденциялари ва ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган;

худудий қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини статистик баҳолаш асосида унинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига таъсири корреляцион-регрессион таҳлил этилган;

вилоят қишлоқ хўжалик корхоналари ривожланишида техникадан фойдаланиш жараёнларига таъсир қилувчи омиллар аниқланган ва улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни баҳолашнинг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган;

худудий қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар динамикасини тизимли таҳлил қилиш ҳамда омиллар таъсирини эконометрик баҳолаш асосида экспоненционал тренд ва кўп омилли ишлаб чиқариш функцияларининг такомиллашган вариантлари ишлаб чиқилган;

вилоят қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришда ривожланиш тенденцияси таҳлил қилинган, баҳоланган ва олинган натижалар асосида прогноз параметрлари ҳисобланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Сурхондарё вилояти статистика бошқармасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти худудларда қишлоқ хўжалик тармоғи техника таъминотини иқтисодий-статистик усулларда илмий тадқиқ этиш, статистик прогнозлаш вариантларини ишлаб чиқишда ҳамда қишлоқ хўжалик соҳасини иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи омилларни баҳолашда, кўп омилли комплекс статистик таҳлил усулларидан фойдаланиш асосида назарий ва услубий жиҳатдан такомиллаштириш ҳамда мавзуга оид махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан

изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти республика минтақаларида, хусусан Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалик соҳасини ривожланиш самарадорлигини ошириш, истиқболли йўналишларини белгилаш борасида мақсадли дастурлар, чора-тадбирлар ва йўл хариталарини ишлаб чиқиш жараёнида кенг фойдаланилиши, шунингдек, назарий-услубий хулосалардан олий таълим муассасаларида “Қишлоқ хўжалиги статистикаси”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Эконометрика асослари” каби фанлар бўйича кейс стади, маърузалар матни, ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалик машина-трактор паркларидан самарали фойдаланишни моделлаштириш ва статистик баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мавжуд машина-трактор парклари янгиланиш коэффициентининг мақбул даражаси ($K_{я} = 0,15$)да техник воситалар бўйича таркибий тузилмасини қишлоқ хўжалиги ишлари эҳтиёжига мувофиқлаштириш орқали қишлоқ хўжалиги техника таъминотини баҳолаш ва машина-трактор паркдан фойдаланишни оптималлаштиришнинг интеграллашган моделларидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг техника таъминотини такомиллаштириш дастури”ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 15 октябрдаги 02/034-4249-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида машина-трактор паркининг таркибий тузилмасини қишлоқ хўжалиги ишлари бўйича техник воситалар эҳтиёжига мувофиқлаштириш орқали самарадорликни ошириш имконияти яратилган;

ишлов трактор-машиналарини ер майдонлари бўйича тақсимлашда турли фермер хўжаликларининг жойлашуви жиҳатдан ўзаро яқин бўлган ер майдонларига йўналтириш асосида техника эксплуатация харажатларини ($Ч_{ЭХК} \approx 20-30\%$) камайтириш орқали фойдаланиш самарадорлигини ошириш таклифидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг техника таъминотини такомиллаштириш дастури”ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 15 октябрдаги 02/034-4249-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошишига олиб келган;

қишлоқ хўжалигидаги турли трактор-транспорт ишлари билан боғлиқ харажатларни шартли ёқилғи харажатларига трансформациялаш ҳамда ҳар бир машина-трактор тури бўйича ёқилғи сарфи харажатларини минималлаштириш асосида таклиф этилган фермер хўжаликларидаги барча трактор-транспорт ишлари учун ёқилғи сарфи моделлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг техника таъминотини такомиллаштириш дастури”ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 15

октябрдаги 02/034-4249-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида фермер хўжаликларидаги барча техника воситаларининг ёқилғи сарфларини 12 фоизга қадар пасайиши ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш самарадорлигини 8 фоизга ошишига олиб келган;

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмига техникалар сони ва таркиби ўзгаришининг таъсирини эконометрик баҳолаш моделлари асосида Сурхондарё вилоят қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг 2025 йилга қадар мўлжалланган прогноз кўрсаткичларидан вилоят қишлоқ хўжалигининг узоқ муддатли ривожланиш истиқболини белгилашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 15 октябрдаги 02/034-4249-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштиришни оширишда омиллар таъсирини баҳолаш асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмини прогнозлаш ва режалаштириш натижаларининг ишончлилик даражасини оширишга эришилиб, прогноз кўрсаткичлари асосида Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг истиқболдаги натижаларини асослилиги ҳамда ўзаро мувофиқлигини таъминлаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Мазкур диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Scopus базасида 1 та мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ва 1 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркибий тузилиши тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 158 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва бажарилган диссертациянинг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг асосий усуллари санаб берилган, шунингдек, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши аниқланган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ҳақида маълумотлар келтирилган, диссертация тадқиқоти

мавзуси бўйича илмий ишлар чоп этилганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маъумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалик корхоналарида техникалардан самарали фойдаланишни моделлаштириш асосида тадқиқ этишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, қишлоқда техника воситаларидан самарали фойдаланиш таҳлил қилинган.

Машина-трактор паркidan фойдаланиш асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори ва сифати, турли ресурслар сарфи хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичларига бевосита таъсир қилади. Етиштирилган маҳсулотлар таннархини камайтиришнинг бир йўли техникадан фойдаланганда бўладиган сарф-харажатларни камайтириш, яъни бир сўз билан айтганда, МТП дан фойдаланиш самарадорлигини оширишдир. Маълумки, йиллик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми кўпайишига эришиш барча мумкин бўлган вариантларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш асосида, технологиядан фойдаланишни ташкилий шаклини оқилона танлаш орқали эришилади.

Машина-трактор паркidan фойдаланишни баҳолаш учун маълум параметрлар сифатида, бир-бири билан ўзаро боғлиқ тизим ҳосил қиладиган маълум таркибий элементларга эътибор қаратиш лозим. Қишлоқ хўжалигининг берилган шароитларида энг кам харажатларда ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш учун машина-трактор паркининг оптимал таркибини аниқлаш керак, яъни, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг алоҳида турлари ва русумлари ҳамда улар сонининг маълум бир иқтисодий тизим, минтақа, ҳудудга энг мос келадиган нисбатини ҳисоб-китоб қилиши лозим.

Ушбу муаммони ҳал қилишда иқтисодий-математик усуллар ва компьютер технологияларини қўллаш асосланган компьютерлашган ахборот тизими жуда самарали, чунки у бир вақтнинг ўзида барча иқтисодиёт тармоқлари ва қишлоқ хўжалигининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олишни ва унга мос энг яхши вариантни топишга имкон беради (1-расм).

МТПдан самарали фойдаланиш - бу қишлоқ хўжалиги ташкилотининг молиявий ресурслари етишмаслигини бартараф этиш усули бўлиб, МТП таркибини оптималлаштириш ва ундан фойдаланиш масаласи номаълум параметрларни, мақсадларни, шартларни аниқлаш билан боғлиқ. Моделлаштиришда муаммонинг мақсади оптималлик мезонидан ва объектив функциядан фойдаланган ҳолда ифода этилади. Оптималлик мезонларини яъни, ускуналар сотиб олиш ва механизациялашган ишларни бажариш харажатларини минималлаштириш, энергия интенсивлигини ошириш ва МТПнинг эскириш даражасини пасайишини кўпгина олимлар ўз тадқиқотларида ёритганлар⁵.

⁵ Фин Э.А., Шкурба Б.Б., Комзакова Л.Н. Расчет машинно-тракторного парка сельскохозяйственных предприятий на электронных вычислительных машинах. Издательство «Наукова думка».1968.168 с.Агаркова Л. В., Малов Г.И.Оптимизация состава и использования машинно-тракторного парка в зерновом



1-расм. Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминланганлик мониторинги ахборот тизими⁶

Ўтказилган тадқиқотлар жараёнида 2010-2019 йиллардаги Ўзбекистон Республикаси ва Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги техникалари динамикаси миқдорий жиҳатдан баҳоланди. Бунинг учун динамика қаторларини таҳлил қилишда қўлланиладиган статистик таҳлил кўрсаткичларидан фойдаланилди.

Қишлоқ хўжалиги ташкилотларида машина-трактор паркidan фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий тамойиллари, иқтисодий, технологик, ижтимоий ва экологик самарадорлик мезонлари ҳамда уларни белгиловчи кўрсаткичлар тизими тадқиқотлар натижасида ўрганиб чиқилган. Қишлоқ хўжалигида МТПдан фойдаланиш даражасини баҳолаш учун иш, меҳнат ва энергия ресурсларини механизациялаштиришни тавсифловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Маълумки, тизимли ёндашувда объектни ўрганиш яхлитлиги, унинг тузилишини таҳлил қилиш, элементларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири сақланиб қолади, ташқи шароитда унинг алоҳида бўғинлари модификацияси таъсири остида тизимда юз берадиган ўзгариш хусусиятлари аниқланади, тизимнинг ишлаши учун асос ва иш шароитида энг қулай ишлаш

производстве. КАНТ № 2, июнь 2017 .УДК 368. Киселёв В.И. АПК: совершенствование хозяйственного механизма. - Агропромиздат. 1985.240-с. Киселёв В.И. Организация и планирование народнохозяйственного агропромышленного комплекса.-М.: Наука, 1979.-224-с(16-с.). Леньков И.И. Экономико-математическое моделирование экономических систем и процессов в сельском хозяйстве. — Мн.: Дизайн ПРО, 1997, — 304 с. Хатамов О.К. Қишлоқ хўжалик техникаси лизингига инвестициялар жалб этиш жараёнларини моделлаштириш.-Т.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" 2007.-142 б. Н.Н.Тищенко. Оптимизация состава МТП для фермерских хозяйств. // Механизация и электрификация сельского хозяйства. 2003, №8, С.20-22.

⁶ Муаллиф ишланмаси.

тартиби учун энг қулай ишлаш режимининг асосий шартлари аниқланади. Шуларни эътиборга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналарида машина-трактор паркидан фойдаланиш самарадорлиги даражаси қуйидаги учта кўрсаткичлар гуруҳи ёрдамида баҳоланади:


1-жадвал

Машина-трактор паркининг самарадорлик кўрсаткичлари тизими⁷

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида машина-трактор паркидан фойдаланиш самарадорлиги даражаси		
МТПдан фойдаланиш интенсивлик кўрсаткичлари	МТПдан фойдаланиш коэффиценти	Ишлайдиган трактор иш кунларини фермер хўжалигида бўлиш даврига нисбати билан аниқланади
	Битта тракторнинг ишлаган машина кунлари сони	Трактор парки томонидан ишланган машина кунларининг умумий ҳажми (машина-куни)ни ўртача йиллик тракторлар сонига нисбати билан ҳисобланади
	Бир трактор машина сменаси	Ишлаган машина сменалари умумий ҳажми (машина-смена)ни тракторларнинг ўртача йиллик сонига нисбати билан ҳисобланади
	Битта трактор билан норма сменада ишлаш	Трактор парки томонидан бажарилган нормосмена (машина-смена)ни тракторларнинг ўртача йиллик сонига нисбати қабул қилинган
	Сменалилик коэффиценти	Машина сменаларининг машина кунларига нисбати олинади
МТПдан фойдаланиш маҳсулдорлик кўрсаткичлари	Битта тракторнинг шартли-эталон гектарда йиллик бажарган иши	Трактор парки томонидан бажарилган ишларнинг умумий ҳажмини, шу жумладан, стационар, ер ва транспорт ишларининг шартли-эталон тракторларнинг ўртача йиллик сонига нисбати билан аниқланади
	Битта тракторнинг ўзгарувчан иши	Трактор парки томонидан бажарилган ишларнинг умумий ҳажмини улар томонидан бажарилган машина сменалари сонига нисбати билан ҳисобланади
	Битта тракторнинг кунлик бажарган иши	Трактор парки томонидан бажарилган ишларнинг умумий ҳажмини машина кунларига нисбати билан аниқланади
	Трактор паркининг иш бажариш норма коэффиценти	Бажарилган норма-сменаларни бажарилган машина сменаларига нисбати билан ҳисобланади
МТПдан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичлари	Бир шартли эталон гектар таннархи	Тракторлар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва асбоб-ускуналарининг жами харажатларини трактор парки томонидан шартли эталон гектарларда бажариладиган ишларнинг умумий ҳажмига бўлиш орқали аниқланади
	Бир шартли эталон гектарга ёқилғи сарфи	Тракторларга ёнилғи сарфи меъёрлари асосида олинади

⁷ Муаллиф ишланмаси.

Маълумки, самарадорлик кўрсаткичлари такрор ишлаб чиқариш жараёни ва тегишли капитал айланишини акс эттиради ва ресурслар мавжудлигини, уларни ишлаб чиқариш жараёнида ишлатилишини, ҳосил



2-расм. МТП дан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари тизими⁸

бўлган маҳсулотлар алмашинуви, тақсимланиши ва истеъмоллини тавсифловчи гуруҳлардан иборат. Бундай ҳолда, ўрганилаётган объектнинг ўзаро

⁸ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилган.

боғлиқлигини ҳисобга олган ва такрор ишлаб чиқариш жараёни элементлари ва босқичларини акс эттирадиган кўрсаткичлар тизими яхлитлиги таъминланади. Тизимли ёндашув асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари самарадорликнинг хусусий кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқ, шаклланишига тизимнинг алоҳида кўрсаткичлари таъсир қилади ишлаб чиқариш жараёнининг айрим томонларини, баъзи турдаги ресурслардан (харажатлардан) фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини умумлаштирилган кўрсаткичларини тавсифловчи икки қисми кўринишида тақдим этилиши мумкин. Ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги МТПдан самарали фойдаланишнинг баҳолашни мезон ва кўрсаткичлар тизими таклиф қилинади (2-расм).

“Машина-трактор паркларидан самарали фойдаланишни хориж тажрибаси ва унинг корреляцион-регрессион таҳлили” деб номланган иккинчи бобда муаллиф томонидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини техника билан таъминлаш жараёни тадқиқ этилган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш МТП таркибини оптималлаштириш масаласининг услубий асослари ўрганилган. Қишлоқ хўжалигидаги МТПлардан фойдаланиш бўйича хориж тажрибалари ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган.

Глобаллашув шароитида ижтимоий-иқтисодий соҳадаги туб ислоҳотлар қишлоқ хўжалик тармоқларини модернизациялашни, ялпи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ҳажми ўсишини таъминлашда мавжуд моддий-техник базадан самарали фойдаланишни таъминлайдиган илмий ёндашув ва янги шаклларни талаб қилади. Буни амалга оширишда эконометрик моделлаштириш самарали усулдир.

Диссертация ишида Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг соҳа техника таъминотида боғлиқлигини кўп омилли корреляцион-регрессион таҳлили кўриб чиқилди.

Тадқиқот натижаларига асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг қишлоқ хўжалик техникаларига боғлиқлиги модели чизикли кўринишда қуйидагича бўлади:

$$Y = 74584,18 - 3,48x_1 + 13,69x_2 + 13,55x_3 - 37,9x_4 - 141,57x_5$$

$$(A=1,2, R^2=0,95, F=33,05)$$

Фишернинг F-мезони бўйича $F_{\text{ҳисоб}} > F_{\text{жадвал}}$ ($F_{\text{ҳисоб}}=33$, $F_{\text{жадвал}}=5,05$) бўлгани учун регрессия тенгламасини ҳаққоний деб эътироф этиш мумкин. Шунингдек, регрессия коэффициентларининг аҳамиятлилигини Стьюдентнинг t-мезони орқали баҳоланди. Stata дастури ёрдамида аниқланган r-Spearman даражали корреляция коэффициенти, Pearson корреляция коэффициенти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан қишлоқ хўжалик техникалари ўртасида тесқари алоқа борлигини, регрессион модель адекватлигини, Breusch-Pagan тести регрессия моделидаги гетероскедастиклик муаммоси йўқлигини кўрсатяпти. Шунингдек, Skewness-Kurtosis тести моделнинг меъёрдан барча четланишлари нормал эканлиги, Skewness(0,25), Kurtosis(0,66) нормаллашиш тестлари натижалари модель (ишонч оралиқлари, модел прогнозлари) ҳақиқийлиги кўрсатади.

Эластиклик коэффициентларининг аниқланган қийматларига кўра, шудгорлаш тракторлари ва культиваторлар сонини бир фоизга оширилиши жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг мос равишда 0,68 ва 1,6 фоизга ошишига, чопиқ тракторлари, чигит экиш сеялкалари ва ғалла ўриш комбайнларининг бир фоизга камайтирилиши жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 1,34, 0,57 ва 0,03 фоизга ошишига олиб келишини билдиради.

Юқоридаги $\beta(-1,34,0,25,0,74,-0,57,-0,04)$ ва $\Delta(1,23,-0,21,-0,75,0,38,0,03)$ коэффициентлар таҳлилига кўра, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмига шудгорлаш тракторлари энг катта таъсир кўрсатади. Умуман олганда, таҳлил амалга оширилган йилларда бу омиллар ўзгариш даражаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги ўсиш даражаси ўзгаришига олиб келган. Лекин, чопиқ тракторлари ва шудгорлаш тракторлари ўртасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, у 0,83 га тенг эканлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида мультиколлинеарлик муаммосини келтириб чиқармоқда. Буни инобатга олган ҳолда бир омилли ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланган ҳолда, бу омилларнинг асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмидаги таъсирини алоҳида-алоҳида қараб чиқилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда фойдаланилган қишлоқ хўжалик техникалари миқдорий ўзгаришини трендли усулда прогнозлаш учун уч хил вариантни келтириб, уларни қиёсий таҳлилинини амалга оширган ҳолда оптимал вариант аниқланди. Прогнозни амалга оширишдан олдин ҳар бир модель асосида чопиқ тракторлари сони ҳисобланган. Ҳақиқий ва модель ёрдамида ҳисобланган фарқ эконометрик моделдаги хатоликни билдиради. Детерминация кўплик коэффициенти (R^2) юқори бўлган модель ёрдамида ҳисобланган кўрсаткичлар оптимал деб олинган. Буни 3-расмдаги диаграмма орқали кўришимиз мумкин.



3-расм. Сурхондарё вилоятида 2008-2020 йиллардаги чопиқ тракторларидан фойдаланиш динамикаси⁹

Худди шу усулда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда бошқа тракторлар иштироки прогноз қилиниши мумкин. Бунинг учун тренд тенгламаларида мавжуд бўлган параболик, чизиқли, логарифмик ва экспоненциал функциялар имкониятларидан фойдаланилди ва мос вариантлар танланди. Хулоса қиладиган бўлсак, вилоят қишлоқ хўжалиги

⁹ Муаллиф ишланмаси.

маҳсулотларини ишлаб чиқариш кейинги 13 йил ичида ўсиш тенденциясига эга бўлган, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўсишини таъминлашда қишлоқ хўжалик техникаларини аҳамияти юқори (6-илова). Замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари мукамаллашуви қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ижобий натижа кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишидаги нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни топиш ҳар йили ҳал қилиниши муҳим бўлган масаладан бири ҳисобланади. Нефть маҳсулотларига бўлган талабни топишнинг усулларидан бири меъёрий усул бўлиб, у кўпгина иқтисодий-математик усуллар таркибига киради. Шу билан бирга эҳтиёжни ҳисоблашда нефть маҳсулотлари сарфидан келиб чиқиб алгоритм кўринишида тасвирланиши ва компьютерда бажарилиши мумкин. Бундай ҳолатда меъёрий усул математик- статистик усулга яқинроқдир. Фермер хўжаликларида трактор-транспорт ишларининг ёқилғига бўлган талабини ҳисоблашда индивидуал меъёрлардан фойдаланишга асосланган математик модель таклиф этилди.

Жами ташиладиган юк учун ёқилғи сарфи:

$$GT_i = W_i g_i \beta_i \eta_i \mu_i MR_i K_{i1} K_{i2} \quad i \in J$$

Фермер хўжалигидаги барча трактор-транспорт ишлари учун ёқилғи сарфи минимал бўлиши керак, яъни:

$$GT = \sum_{i \in J} GT_i \rightarrow \min$$

Бунда қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинган:

J - транспорт ишлари тартиб рақамлари тўплами;

β_i - юк синфининг ҳисобга олиш коэффициентлари, $i \in J$;

g_i - транспорт воситасининг биринчи гуруҳ йўлдан юксиз ҳаракатлангандаги бир соатлик ёқилғи сарфи, кг/ соат, $i \in J$;

η_i - рельефга боғлиқ ҳолда ёқилғи сарфи меъёрини таҳрирловчи коэффициент, $i \in J$;

μ_i - интеграл коэффициент, $i \in J$;

K_{i1} - Транспортнинг йўлдан фойдаланиш коэффициенти;

K_{i2} - Умумий иш вақтида транспортнинг ҳаракатдаги вақт улуши;

MR_i - Транспортнинг бир рейс давомида ташиган юкининг ўртача ҳажми.

Диссертациянинг “**Қишлоқ хўжалиги техника таъминотини оптималлаш усуллари ва математик моделлари**” деб номланган учинчи бобида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш МТП таркибини оптималлаштириш масаласи кўп сценарийли моделлар асосида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини техника билан таъминлаш жараёнини бир жинсли Марков занжирлари асосида такомиллаштирилди.

Умумий ҳолда агротехник тадбирларда қатнашувчи қишлоқ хўжалик машина-трактор паркдан самарали фойдаланишнинг математик моделини кўриб чиқайлик. Бир турдаги машина-тракторларнинг минимал сонини қуйидагича математик ифода орқали топиш мумкин:

$$m_{ij} = \frac{F_{ij}}{I_{ni}D_iE_{ni}E_{cmj}k},$$

бу ерда m_{ij} – j -даврда i -турдаги машина-трактор агрегатларини минимал сони;

F_{ij} - j -даврда i -турдаги механизациялашган дала ишлари ҳажми, га;

I_{ni} - машина-трактор агрегатининг сменали иш унумдорлиги, га;

D_i - i -турдаги механизациялашган дала ишларини бажаришнинг оптимал муддати, календар кунлар;

E_{ni} - механизатор тажрибаси ва малакаси ҳамда трактор русуми ҳамда фойдаланиш муддатини ҳисобга олган ҳолда машина-трактор агрегатининг сменалик иш унумдорлиги коэффициенти;

E_{cmj} - МТПдан сменали фойдаланиш коэффициенти;

k -ноқулай об-ҳаво шароитида тракторнинг бўш қолишини ҳисобга олган ҳолда вақтдан фойдаланиш коэффициенти.

Тракторлар сонининг шудгорлаш майдонига боғлиқлиги қуйидагича аниқланади:

$$n = \frac{C_s R_{max} F}{L_k v_{\text{ўрт}} q_k g_1 g_2},$$

C - хўжалик турини ҳисобга олувчи коэффициент, $C=0,3$ деҳқон хўжаликлари учун; $C=0,5$ фермер хўжаликлари учун;

R_{max} – тўхташ жойидан энг четки майдонгача бўлган масофа, км;

L_k - k – русумли битта трактор бажарган иш вақти, мотосоат;

g_1 ,- дала ишларини механизация воситаларисиз бажаришда МТПни техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларининг меҳнат сиғими ошишини ҳисобга олувчи коэффициент;

g_2 - МТАга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари ҳажмида механизатор меҳнати улуши коэффициенти.

k русумли трактор учун 1 га шудгорлаш ишларини бажаришда минимум харажат комплекс механизациялашган ишларидаги солиштирма эксплуатация харажатлари ёрдамида ҳисобланади. Бу қуйидаги тенглама орқали ифодаланади:

$$\Delta_k = \frac{T_k + \dot{E}_k + P_{rk} + A_k + C_{\text{қай } k}}{F},$$

Бу ерда:

T_k - бажарилган иш ҳажми учун тўланган иш ҳақи, сўм;

\dot{E}_k - бажарилган ишлар учун сарфланган ёқилғи баҳоси, сўм;


P_{rk} - тракторга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш қиймати, сўм;

A_k - техника амортизацияси, сўм;

$C_{\text{қай } k}$ - тракторлар тўхташ жойидан иш жойига ва аксинча ҳолатдаги қатнов харажатлари, сўм.

Термиз туманидаги барча шудгорлаш ишларида қатнашувчи техникалар Термиз тумани МТПга тўпланган бўлиб, у қуйидагича хизмат қилади. Тумандаги энг узоқ ҳудуд Қалдирғоч Гулбаҳор фермер хўжалиги ҳисобланади (5-расм). Термиз тумани ҳудуди бўйича техника билан таъминланиш натижалари қуйидаги жадвалда кўрсатилди. Жадвалдан кўринадики, юқорида

таклиф қилинган моделлардан қишлоқ хўжалигини техникалар билан таъминлаш жараёнида фойдаланиш мумкин. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини техникалар билан таъминлаш муаммолари ва улардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз (3-жадвал).



4-расм. Термиз тумани МТП ва тумандаги фермер хўжаликларининг ўзаро жойлашиш схемаси¹⁰

2-жадвал

Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги шудгорлаш ишларида қатнашувчи техникалар ва уларнинг формула асосида ҳисобланган сони¹¹

Термиз тумани фермер хўжаликлари	Кузги шудгорлаш майдони, га	Ҳайдовда қатнашган шудгорлаш техникалари	Термиз туман МТПдан фермер хўжалигининг энг чекка ҳудудигача масофа, км	Формула асосида ҳисобланган тракторлар сони, дона	Талаб этилган тракторлар сони, дона
Сурхон Намуна	146.8	ARION-630 C	15	1 (0,6)	1 (0,6)
Сурхон Халқабод	474.41	ARION-630 C	20	2,0	2 (1,9)
Сурхон Янгиариқ	660.6	ARION-630 C, Беларус 15-23, Т 6070	28	3 (2,6)	3 (2,6)
Сурхон Дўстлик	611.3	ARION-630 C	9	3 (2,5)	3 (2,5)
Амударё Гулбахор	323.3	ARION-630C, Т-6070, TDC-110	50	2 (1,3)	2 (1,3)
Жами	2216,0		50	9 (8,9)	9 (8,8)

Натижада ишлов трактор-машиналарини ер майдонлари бўйича

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.

¹¹ Вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

тақсимлашда турли фермер хўжаликларининг жойлашуви жиҳатдан ўзаро яқин бўлган ер майдонларига йўналтириш асосида техника эксплуатация харажатларини 20-30 %га камайитириш мумкин эканлиги аниқланди.

Қишлоқ хўжалигини янги техника билан таъминлаш масаласини мазкур жараёнларда фойдаланиладиган йўлларга боғлиқ тасодифий жараён деб қараш мумкин. Мана шу ҳолатга Марков жараёнларини қўллаш ҳисоблашлар ва прогноз қилиш ишларини осонлаштиради. Мураккаб тизимларни ўрганишда Марков жараёнларидан фойдаланиш қулайлик яратади. Марков жараёнларида тизимнинг ҳолати ва бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишлар ўрганилади.

Марков жараёнларида i ҳолатдан j ҳолатга N та ўтиш эҳтимоли p_{ij} бўлса, бу эҳтимоллик бирга тенг, яъни: $\sum_{i=1}^N p_{ij}=1$, $0 < p_{ij} < 1$ бўлади.

Агар сўнгги тақсимланиш ҳолати эҳтимоли бошланғич шартга боғлиқ бўлмаса, бу эргодик Марков жараёнлари дейилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини режалаштиришда итерацион усулни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Фермер хўжаликларда янги техника билан таъминланиш масаласини - N ҳолатлар ўтишлар эҳтимоллари матрицаси \mathbf{P} ва харажатлар матрицаси \mathbf{R} билан аниқланувчи эргодик Марков жараёни сифатида қараб чиқамиз. Бу жараёнда узоқ вақт ўтишлардан кейинги харажатлар билан қизиқиб кўрайлик.


Ҳар бир фермер хўжалигининг янги техника билан таъминланишида қуйидаги имкониятлари мавжуд:

1. Техникани ўз пулига харид қилиш.
2. Техникани банк кредитига сотиб олиш.
3. Техникани лизингга олиш.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда техникадан фойдаланишдаги сарф-харажатларнинг сезиларли камайиши доимо муҳим ўрин тутиб келади. Савол туғиладики, хўжаликни техника билан таъминланишида фермер қандай стратегияни қўлласа, кам харажат қилади?

